

ва почта алоқаларини йўлга қўйиш ишлари олиб борилмоқда. Қишлоқларда фермерлик ҳаракатини янада қўллаб қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида этибор берилди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 18-ҳужжат, 2013 йил. –Б. 36.
2. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 5-ҳужжат, 2013 йил, 8 февраль. –Б. 23.
3. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 6-баённома, 3-ҳужжат, 2010 йил, 10 июнь. –Б. 36.
4. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви материаллари: Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг сессияси материаллари. 2012 йил 26 январь. –Б. 51.
5. ХудойшукуровЗ. Маҳалларда ўтказилаётган спорт тадбирларининг бош мақсадидир. «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 8 февраль, № 27 (5701).
6. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 18-ҳужжат, 2013 йил. –Б. 36.
7. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 5-ҳужжат, 2013 йил, 8 февраль. –Б. 23.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ФЕНОМЕНИНИНГ МАДАНИЙ ХОДИСА СИФАТИДА ТАҲЛИЛИ

Музаффаржон Мансуров,

А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот
институтининг етакчи илмий ходими
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
muzaffarzhon.mansurov.86@mail.ru

Аннотация: Тадқиқот мақсади Совет Иттифоқи йилларида Ўзбекистонда маданий туризмнинг туризм индустриясидаги ўрни ва аҳамиятини очиқ беришдан иборат. Даврий чегараси 1924-1991-йилларни ўз ичига олади. Тадқиқот иши қиёсий-тадрижий, даврийлик методлари асосида хориж манбалари ҳамда Совет Иттифоқи йилларида нашр этилган газета ва журналлар асосида таҳлил қилинган. В.А.Квартального, Г.А. Папирына, В.С. Малышева, Р.Ю. Поповой, О.П. Березкиной, Н.В. Михайловой, И.И.Ильиной. каби олимларнинг анализ методларидан самарали фойдаланилган. Совет Иттифоқи йилларида “темир парда” билан капиталистик мамлакатлар билан тўсиқ қўйилди. Шунингдек, туризм соҳасида махсус ахлоқ нормалари ишлаб чиқилди. Туризм социалистик тузум тарғибот қуроли сифатида фойдаланилган. Туризм харбий ватанпарварликни тарғиб қилиш мақсадида спорт туризми имкониятларидан фойдаланилган. Бу орқали совуқ уруш шароитида ёшларни сафарбарликка яширин тайёрлашдан иборат бўлган. Хатто капиталистик мамлакатлардан ташриф буюрган сайёҳлар ҳам сиёсий полиция назоратида бўлган.

Калит сўзлар: туризм, мафкуравий компонент, туризм феномени, темир парда, совуқ уруш, харбий ватанпарварлик.

Аннотация: Цель исследования - выявить роль и значение культурного туризма в туристической индустрии Узбекистана в годы существования Советского Союза. Срок включает 1924-1991 годы. Исследовательская работа анализировалась на основе сравнительно-поэтапного, периодического методов с опорой на зарубежные источники и газеты и журналы, издававшиеся в годы существования Советского Союза. В.А.Квартального, Г.А. Папирына, Британская Колумбия Малышева, Р.Ю. Поповой, О.П. Березкиной, Н.В. Михайловой, И. И.

Ильиной. методы анализа таких ученых, как В годы Советского Союза с капиталистическими странами был поставлен барьер «железным занавесом». Также в сфере туризма разработаны специальные этические нормы. Туризм использовался как инструмент пропаганды социалистического режима. Туризм использовал возможности спортивного туризма для пропаганды военного патриотизма. Через это в условиях холодной войны заключалась тайная подготовка молодежи к мобилизации. Даже туристы, приехавшие из капиталистических стран, находились под контролем политической полиции.

Ключевые слова: туризм, идеологическая составляющая, феномен туризма, железный занавес, холодная война, военный патриотизм.

Abstract: The purpose of the research is to reveal the role and importance of cultural tourism in the tourism industry in Uzbekistan during the years of the Soviet Union. The time limit includes the years 1924-1991. The research work was analyzed on the basis of comparative-gradual, periodical methods based on foreign sources and newspapers and magazines published during the years of the Soviet Union. V.A. Kvartal'nyy, G.A. Papir'yan, B.C. Malysheva, R. Yu. Popovoy, O.P. Berezkinoy, N.V. Mikhailovoy, I.I. Ilinoy. the analysis methods of scientists like During the years of the Soviet Union, a barrier was put up with the capitalist countries with the «iron curtain». Also, special ethical norms have been developed in the field of tourism. Tourism was used as a propaganda tool of the socialist system. Tourism used opportunities of sports tourism to promote military patriotism. Through this, in the conditions of the cold war, it consisted of secretly preparing young people for mobilization. Even tourists visiting from capitalist countries were under political police control.

Key words: tourism, ideological component, tourism phenomenon, iron curtain, cold war, military patriotism.

Туризм XX асрнинг 20-йилларида Совет Иттифоқи капиталистик мамлакатлар билан “темир парда” орқали муносабат ўрнатилган. Амалда кам сонли бўлса-да туристлар оқими орқали капиталистик мамлакатларда маҳсулотларнинг хилма-хиллиги ва қўпчилиги тўғрисида маълумотлар совет халқини қизиқтирувчи омил бўлиб қолган. Энг қизиқарли томони шундан иборатки, Совет Иттифоқи биринчилардан бўлиб, “Хорижга саёҳат қилувилар учун ахлоқ-одоб қоидалари” ишлаб чиқилган. Унга кўра совет туристи ҳар қандай вазиятда социализм тарғиботчиси бўлиши лозим эди. Иккинчидан, капиталистик мамлакатда ўзини қандай тутиши, мамлакат урф-одатларини ҳурмат қилиши кўрсатиб ўтилган[1.].

Совет даври туризм назариясининг асосчиларидан бири В.П.Антонов “Совет туризми маданий соҳадаги ишларнинг бир қисми бўлиб, чуқур сиёсий ҳодиса бўлса-да, бу синфий курашнинг ва шу билан бирга социалистик қурилишнинг янги шакли” сифатида таъриф берган. XX асрнинг 20-йилларида ўқувчилар учун саёҳат давомида бепул озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамда имтиёзли йўл чипталарини йўлга қўйилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, саёҳатни сифатли ташкил этиш мақсадида гид таржимонларни ўқитиш тизимига эътибор қаратган. Совет Иттифоқи дунёдаги энг катта чегарага эга мамлакат бўлганлиги туфайли Совет давлати чегаралари бўйлаб саёҳат қилиш учун ҳам махсус туристик маршрутлар ишлаб чиқилган. Жумладан, “Чегарага оммавий саёҳат” маршрути кенг тарқалган йўналиш бўлган. Аммо бундай маршрутлар бошқа тур маршрутлардан устав қоидалари билан ажралиб турган. Чегара бўйлаб пиёда саёҳат, чегара бўйлаб вело туризм турлари анча оммалашган бўлса-да, булар ҳаммаси бевосита ҳарбий соҳа вакиллари назоратида амалга оширилган. Шунинг учун бир қанча мураккабликларга эга эди. Энг асосийси сайёҳлар бу даврда қишлоқ хўжалиги йиғим-терим ишларига жалб қилинганлиги туфайли ҳам бу йўналишни тарғиб қилувчи 40 дан ортиқ шиор лойиҳалари ишлаб чиқилган.

XX асрнинг 20-йилларида ўқувчилар учун мўлжалланган туризм турлари таснифига эътибор қаратсак, тарихий туризм, археологик туризм, маърифий туризм, индустриал туризм, этно туризм, меҳнат ёрдам туризми, соғломлаштириш туризм турлари алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Энг ажабланарли туризм тури меҳнат ёрдам туризм тури бўлиб асосан қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун хизмат қилган. Туризм давомида тўпланган

материаллар мактаб музей фондларини бойитиш учун махсус кўргазмалар ташкил этилган. Шунингдек барча мактабларда саёҳат учун хатто махсус соат ҳам ажратилган. Маърифий туризм доирасида уй кутубхоналари ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилган. Уй кутубхоналарига саёҳат натижасида китобхонликни тарғиб қилиш ҳамда коммунистик мафкура тарғиботига алоҳида аҳамият қаратилган. Ёшларни сиёсий билимларини ошириш социалистик жамият назарияси билан яқиндан таништиришга эътибор қаратилган.

Мактабларда ташкил этилган экскурсия тўғараклари ўз навбатида табиий, гуманитар, техник гуруҳларга бўлинган. Табиий бўлим эса ёш геолог, ёш ботаник, ёш географ гуруҳларига бўлинган. Гуманитар бўлим эса ёш этнограф, ёш санъаткор, ёш рассом гуруҳларига бўлинган. Техник бўлим ёш энергетик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш гуруҳларидан иборат бўлган. **“Комсомолская Правда”** газетасининг 1927-йилда йилда нашр этилган сонидида “Бизга сайёҳлик ва экскурсия керак” номли мақола чоп этилган. Мақолада туризмнинг зарурати ва унинг коммунистик мафкура тарғиботидаги ўрни таҳлил қилинган[2.].

Туризм ва экскурсия бюрolari вазифалари қаторига қишлоқ хўжалигидаги янги технологияларни тарғиб қилиш вазифаси ҳам бевосита юклатилган. Хатто баҳорги экиш жараёнларида ҳам бевосита иштирок этиш мажбуриятлари ҳам юклатилган. Колхозлар билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш ва уларни техника билан таъминлаш ишларига кўмаклашиш ҳам зарур эди.

Туризмни янада оммалаштириш мақсадида турли байрам карнаваллар ҳам ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилган. Шунингдек, турли миллат миллий кийимларда ватанпарварлик қўшиқлари ҳамда Совет давлатини улуғловчи куй қўшиқлар кенг тарғиб қилинган. Туризмни динга қарши курашувчи мотив сифатида ҳам қаралган. Саёҳат давомида алкоголь маҳсулотлар билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилган. Бу орқали аҳолисининг асосий қисми мусулмон бўлган мамлакат фуқарolari анъаналарига зарба беришга ҳаракат қилинган. Бу даврда туризмнинг етарли даражада ривожланмаганлиги энг аввало моддий техник базанинг қашшоқлиги, кадрлар салоҳиятининг етмаслиги билан изоҳланди.

1937 йил 28-мартда “Правда” газетасида “Ким туризм билан шуғулланади?” номли мақола чоп этилган. Мақолада спортнинг туризм ривожидидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берилган. “СССР сайёҳи” кўкрак нишони таъсис этилиши мамлакатда туризм соҳасини янада ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган. Ушбу нишон туризм турлари, география, топография, кутқарув ишларидан бохабар жисмоний баркамол инсонларга берилган[3.192 Б.].

Мактаб ёшидаги болалар ўртасида сайёҳликни ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад туризм нафақат даволаниш ва дам олишнинг самарали усули сифатида қаралди, шунингдек ўқувчиларни жисмоний ривожланиши, таълими ва тарбиясида ҳам муҳим воситага айланган. Ўқувчилар ўртасида хатто маҳаллий тарих билан боғлиқ жойларни кашф этиш ишларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари ва меҳнат фахрийлари билан доимий учрашувлар ўтказиб борилган.

Капиталистик давлатлар туризмдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб келган. Улар меҳнаткаш оммани асосан синфий курашларни олдини олиш мақсадидагина туризмга жалб этади. Буржуазия туризми сиёсатдан ва синфий курашлардан ҳоли деб сайёҳларни ишонтиришга ҳаракат қилган. Хориж мамлакатларидан ташриф буюрувчи “демократик” турист тамомида буржуазия синфининг манфаатларига хизмат қилган. Совет Иттифоқида эса давлат тўлақонли меҳнаткаш омма томонидан қурилди деган ақида шакллантирилган. Туризм даромад манбаи эмас балки мароқли дам олиш тури сифатида қаралган[4.4 Б.].

Ўзбекистон ва Қорақолпоғистонда туризмни ривожлантириш учун қулай ҳудуд ҳисобланади. Туризм энг аввало инсонни чидамлиликка, саломатлигига катта таъсир қилади. Бошқа халқлар маданияти билан танишиш орқали билимлар бойишига олиб келади. Туризм Совет Иттифоқининг узоқ ҳудудларига амалга ошириладиган актив саёҳат сифатида қаралган.

Туризм инсон саломатлигини мустаҳкамловчи омилдир. Оддий меҳнаткаш оммасининг туристик фаолияти буржуазия туристик фаолиятдан манманлик ва киборлик белгиси сифатида эътироф этилмаслиги билан ажралиб туради[4.7 Б.].

1940 йилда “СССР сайёҳи” кўкрак нишони жорий этилди. Мақсад ўқувчиларнинг жисмоний фаоллигини ошириш билан бир қаторда ҳаваскор туризмни ривожлантиришдан иборат. Совет Иттифоқининг асосий вазифаси ҳар томонлама баркамол шахсни яратиш бўлганлиги туфайли ҳам спорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилган. Туризмнинг ривожланиши натижасида маҳаллий аҳоли миллий ментал хусусиятларига ташқи оммавий маданиятнинг кириб келиши катта ёшдаги аҳоли норозилигига олиб келган.

Туристлик гуруҳларга корхона ва ташкилотлар партия ўқишларида энг кўп қатнашган шахслар орасидан танлаб олинган. Улар туристик гуруҳнинг ҳар бир аъзосига жавобгар бўлган. Энг қизиғи хориж мамлакатларига саёҳатга жўнатилаётган ҳар бир гуруҳда 3 та энг камида “коммунистик ғоя” тарғиботчилари жўнатишган. Бу ўз навбатида хориж мамлакатларида ахборот “хуружи” учун ва ташқи босимни “лебераллаштирувчи” вазифани бажарган.

Хорижга саёҳат қилган “ахлоқий жиҳатдан барқарор ва сиёсий жиҳатдан саводли” деб тан олинган одамлар ғарбнинг “стриптиз” барлари энг кўп қизиқтирган омил бўлгани қайд этилган. Совет сайёҳларининг ғарб мамлакат аҳолисининг маданиятидан беҳабарлиги натижасида хориж мамлакатларида совет сайёҳларини обрўси у даражада “юқори” бўлмаган. Саёҳат давомида фақат маршрут доирасида ҳаракатланиш, саёҳат дастурига амал қилиш, ресторандан фойдаланиш маданиятига алоҳида урғу берилган. Аммо совет сайёҳларида ресторанда буюмлардан ўринли фойдаланиш маданияти юқори эмаслиги кулгига қолишга олиб келган. Фақат белгиланган транспорт хизматидан фойдаланишгагина амал қилинган. Сайёҳларнинг интизоми алоҳида урғуланган. Сайёҳ ўзини “муносиб” тутмаса келгусида бошқа саёҳатга чиқиш имкониятларидан “махрум” бўлган. Саёҳат давомида ёлғиз қолиш хулқ-атворнинг “хавфли” омили ҳисобланган. Хориж мамлакатларига борган сайёҳлар асосан жинси кийимлар кўпроқ қизиқтирганлиги ва шундай кийимлар харид қилишга ҳаракат қилган. Аммо божхона қоидаларига кўра битта жинси ва битта деним костюм олиб кириш мумкинлиги қатъий кўрсатиб ўтилган. Диний мазмундаги адабиётлар ва порнографик деб ҳисобланган ҳар қандай маҳсулот божхона постида мусодара қилинган[5.].

Совет кишисининг коммунистик идеал руҳида, социалистик Ватанга, ота-боболарнинг сўнмас жасорати, жанговар анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш Совет идеологиясининг асосий вазифаси ҳисобланган. Айниқса ёш авлодни жанговар руҳда тарбиялашда жанговар ва меҳнат шуҳрати уйлариининг ўрни ва аҳамияти катта бўлган.

Наманган шаҳридаги жанговар ва меҳнат шуҳрати уйида ташкил этилган таклифлар дафтарида чет эллик меҳмонлар, ўқувчи ва талабалар истаклари баён этилган. Жумладан Бангладешлик сайёҳ жанговар уйда бўлиш Совет уруш қаҳрамонларининг немис фашистлари устидан қозонган ғалабаси тарихи билан танишган[6.]. Монументал санъат республикада меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг қудратли бадиий воситаларидан бири бўлиб қолган[7.7Б.].

АҚШ социализмга қарши қаратилган пропаганда қилишда капитализмнинг жозибадор томонларини кўрсатишга ҳаракат қилган. Капитализм нафақат йирик саноатчилар шунингдек ишчилар учун ҳам манфаатли эканлигини исботлашга ҳаракат қилинди. Аммо 1965 йилда АҚШ 45 миллиард доллар фойда кўрган бўлса-да, мамлакатда 32 миллион аҳоли қашшоқликда яшаётганлиги “озод дунё”нинг асл юзини кўрсатиб беради. Испания, ЖАР, Жанубий Родезия каби “озод дунё” мамлакатларида ҳам “Капитализм эртакларига” ишонувчилар камайиб кетаётганлигини кўрсатган[8.14 Б.].

Америкалик журналист У. Ледерер ўзининг “Қўйлар подаси” асарида америка халқини энг катта хавф “коммунизм хавфи”дан огоҳлантириб, социализмнинг “кирдикорларини” очиш орқали “капитализм жаннатини” улуглашга ҳаракат қилган[8.16 Б.]. Америкалик файласуф У. Сили “Капитализмни қурол қилиб олган ғояларни муваффақиятли тарғиб қилиш учун тарғиботда ғоятда моҳирона услублар зарур. Кучли эмоция орқали калтафаҳм одамларни чалғитиш мумкин. Бундай услубсиз капитализм узокка бормаслигини эътироф этган[8.38 Б.].

Капитализм ва империализмни кенг тарғиб қилувчи ташкилотлар биргина АҚШнинг ўзида 15 мингдан ошади. Шулардан энг йириги Форд фондидир. Бунга америка автомобиль магнати Генри Форд асос солган. Бу социалистик мамлакатларда қўпурувчилик ишлари амалга ошириш, социализмга қарши анти пропаганда билан шуғулланган. Фонднинг “Шарқий Европа фонди” бўлими бу ишларга бошчилик қилган. Антикommунистик ташкилотлар “Озодлик учун салиб юриши”, “Ёрдам ва қутқариш комитети”, “Халқаро матбуот институти”, “Берлин озод университети” каби ташкилотларни ҳам моддий жиҳатдан қўлаб қувватлаган[8.39 Б.].

1950-1960-йиллар оралиғида антикоммунизм тағиботида 259 миллион доллар маблағ йўналтирилганлиги ҳам буни кўрсатиб турган. Рокфеллер фонди учун ажратилган маблағлар 400 миллион долларни ташкил этиб, асосан социалистик мамлакатларда турли террорлар ташкил этиш, агентликлар фаолияти қўлаб қувватлашга маблағ ажратган[8.44 Б.].

Империализм тарғиботи билан шуғулланиш учун АҚШ ахборот агентлиги 1953-йилда ташкил этилган. 1967-1968-йилларда ушбу ташкилотга 186 миллион доллар маблағ ажратилган. Бу ташкилотнинг 103 мамлакатда 215 та бўлимлари ташкил этилган. “Америка овози” радиоканали ва 80 дан ошiq редакцияларга эга бўлиб, турли тилларда фаолият олиб боровчи антикоммунистик ташкилот ҳисобланган[8.45 Б.]. “Озод Европа”, “Озодлик”, “РИАС” каби радиоканаллар ҳам социализмга қарши кенг тарғиботга алоҳида аҳамият қарата бошлаган [8.51 Б.]. Империалист инглиз Л. Фрейзер “Ёлғон-яшиқ гапириб, алдай олишга кўзинг етмаса шуни эсда тутки, сени албатта бир кун фош қилишлари мумкин[8.54 Б.].

1966-йилнинг ўзида хориж мамлакатларида социалистик мамлакатлар тилларида нашр қилинадиган 80 дан ортиқ журнал ва газеталарга эга бўлган. Жумладан, ўзбек тилида “Коммунизм проблемалари”, “Америка” журналларини келтириб ўтиш мумкин. Америка хориж мамлакатларга ҳар йили 600 дан ортиқ фильмлар тарқатган. Кино эксперти Эрик Жонсон “Америка фильми – АҚШ нинг энг яхши вакилидир. Айтишларига кўра Британия байроғи кетидан Британия савдогарлари юрган. Мен ўйлайманки, Америка савдогарлари Америка фильмлари кетидан юрибди” [9.].

АҚШ ўз режаларини амалга оширишда туризмдан кенг фойдаланган. Юзаки қараганда бу унчалик хавфли туюлмаса-да, турли эътикодга эга кишиларни онгига таъсир этувчи асосий воситага айланиб улгурди[10.]. Социалистик мамлакатларга боровчи сайёҳлар учун Нью-Йорк шаҳрида “Совет иттифоқида боровчи Америка сайёҳлари учун ахборот маркази” фаолият олиб борган. Бу ерда ҳар бир турист “Совет Иттифоқида америкаликка бериладиган саволлар рўйхати” билан таништирилган. Аммо америкаликларни ҳаммаси ҳам бериладиган саволларга тўлақонли жавоб бера олмаган. Жумладан, “Нима учун америкада айрим одамлар ўта бой кўп одамлар эса ўта қашшоқ яшайди?”, “Ирқий камситишлар кучли мамлакатни демократик давлат дейиш мумкинми?” Бундай саволлар берилганда муҳокама қилишдан бош тортиш тавсия қилинган. “Темир парда орқасида сайёҳат қилувчи америкаликлар – деб ёзади “Уолл-стрит жорнэл” газетаси, - совуқ урушнинг сипоҳийси бўлган. Уларни давлат департаменти қўлаб қувватлаган. АҚШ янги, атомсиз, нобаллистик ўқ – Америка туристларини ихтиро қилди”[11.].

“Психологик уруш” раҳбарлари туризмдан фақат идеологик қўпурувчилик воситаси сифатидагина эмас, жосуслик манбаси сифатида ҳам фойданган. Жумладан, америка туристик инструкциясида қуйидаги сўзлар бўлган. “Совет Иттифоқида бўлар экансиз, белгиланган ўрганиш билан шуғулланинг, бу соҳада ишловчи кишилар билан учрашинг. Совет кишилари билан дўстона алоқа боғланг. У ердан қайтаётганда бу одамларнинг манзилини олиб бизга беринг. Биз бу манзиллардан фойдалана оламиз” [12, 98 Б.]. Америкалик таниқли ёзувчи С. Ромуло “Америка жаҳонда мисли кўрилмаган катта микёсда империя барпо қилиб, бу империя устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиш имкониятига эга бўлганин қайд этган[13].

АҚШлик сайёҳ Жек Шифф эътирофича “Америка газеталарида Совет Иттифоқида эътикод эркинлиги йўқ деб шовқин солинади. Бизлар шуни алоҳида қайд этишимиз керакки, бизлар шахсан ўзимиз иккита синагокада бўлдик. Яхудийлар ўз маросимларини эмин-эркин амалга оширмоқда. Масжид ва черковларда ҳам бўлдик. Сизларнинг юртингизда ҳар ким ҳоҳлаган динига эътикод қилар экан. Жуда кўплаб яхудийлар билан учрашдик. Америкаликлар сизлар

хақингида билишлари керак. Уруш йилларида меҳрибон ўзбек халқи яҳудийларга бошпана ва озиқ-овқат берганликларини эслаган. Мен Нью Йоркка қайтгач бу ҳақда албатта айтиб ўтаман” [14.192 Б.].

Совет Иттифоқи ютуқларининг айримларини ҳатто душман мамлакатлари ҳам тан олишга мажбур бўлган. Америкалик сиёсий шарҳловчи Уолтер Липпман шундай деган эди: Агар биз ўзимизни коммунистик давлатларнинг асосий кучи ўрнатқуч бўлишида деб ҳисоб бермасак ўзимизни алдаган бўламиз. Бошқача қилиб айтсак, Совет Иттифоқи халқларининг нималарга эришганлиги буни яққол намоён этади.

Американинг кўзга кўринган жамоат арбоби Уильям Дюбуа “Совет Иттифоқи аҳолиси қариганимда қандай яшайман?, Касал бўлиб қолсам қандай даволанаман?, Фарзандларимни қандай ўқитаман? деган саволлар қийнамайди”. АҚШлик журналист Гарри Фрримэн “Совет аёллари” журналининг 11-сонида босилган ўзининг “Буюк жамият – у қандай бўлади?” деган мақоласида бундай ёзади: Бундан икки йил муқаддам америкаликларга “буюк жамият” ваъда қилинган эди. Уларга қашшоқлик, ишсизлик, ирқий камситиш ўтмишда қолган. Барча америкаликлар тиббий хизмат ва бепул умумий таълимга эга бўлади дейилсада амалда АҚШдек буюк давлат буни уйдасидан чиқа олмаган”. 1964 йилда меҳмон бўлган норвегиялик журналист Я. Биленберг – бу ерда очик ва ҳаяжонли чехраларни кўриш мумкин. Лекин ҳаёт азобида эзилган, ғамхўрликдан бебаҳра, ҳорғин одамларга ҳеч қачон дуч келмайсан. Сурия Нафис санъат институти директори Азиз Шамал “Мен ғоят Тошкент аҳолисининг саҳийлиги ва меҳмондўстлиги бегона юртда эканлигимни билдирмади”. Ўзбекистонга келган Ганалик Орроко Теттах – бу ерда тиббий ёрдам шаҳар ва қишлоқ аҳолиси бирдек баҳрамадлигини қайд этди[15.].

Канадалик машҳур ёзувчи Дайсон Картер ўзбек хотин-қизлари ўзларини ташқи қиёфалари, муомаласи ва истеъдодлари билан ажралиб туради. Хотин-қизлар бошларида шарф ёки шолрўмол ўраганлиги тўғрисида маълумот берган. Финли Карпенер Ўзбекистон мактабларида аёло даражадаги дарс бериш методикаси ва муваффақияти ҳақида мақола эълон қилган[8.39 Б.].

1950-1975-йилларни бевосита туризмнинг ривожланган олтин даври сифатида баҳолаш мумкин. Айнан шу даврдан “оммавий маданият” ҳамда “дам олиш маданияти” тушунчалари кенг муҳокама қилинган. Шунингдек, иқлимнинг инсон танасига таъсири, табиатни инсон физиологик фаоллигига таъсири таҳлил қилинган. 1965 йилдан эътиборан туризмни янада ривожлантириш мақсадида туризм бюрolari таркибида турли ўқув қўлланмалар тайёрлаш ҳамда гид таржимонлар тайёрлаш ҳамда мафкуравий жихатдан қайта ўқитиш тизими йўлга қўйилди. 1968-йилдан туристик поездлар ташкил этилди. Бу иттифок бўйлаб ҳаракатланиш ҳамда саёҳат қилиш имконини берди. Бу даврда туризм кўпроқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли ҳар бир совет фуқароси сайёҳга айланиши мумкин эди. Бу эса бугун қайсидир маънода “орзу” сифатида қараш мумкин[12.].

1970-йилдан мактаб ўқувчиларига мўлжалланган “Сиз ўз шахрингизни биласизми?”, “Шаҳар тарихи музейи”, “Шаҳар кўчалари айтиб бераман”, “Бизнинг замондошимиз” “Бизнинг саноат заминимиз” “Ўз Ватанингни сев ва бил”, “Ўтмиш, ҳозир ва келажак”, “Тарихий ва инқилобий жойлари”, “Янги ва эски шаҳар” туристик маршрутлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, мактаб бирувчилари учун мўлжалланган “ҳафта охири маршрутлари” мавжуд эди[13.].

Совет Иттифоқи хориж мамлакатларига асосан капитализм “дахшатларини” кўрсатишга ҳаракат қилинган. Капиталистик мамлакатлар ишчиларини ғамгин кайфиятини кўрсатувчи туристик маршрутлар бўйлаб саёҳатга чиқарган. Совет сайёҳлари асосан ғарб шаҳарларининг камбағал кварталларига саёҳат қилган. Гид таржимонлар тайёрлаш ва уларни қайта ўқитиш тизими ҳам такомиллаштириб борилди. Уларнинг нафақат хорижий тилларни мукамал билиши шунингдек, мафкуравий-сиёсий билим ҳамда адабиёт, санъат, психология фанларидан ҳам бохабарлик даражасига ҳам алоҳида урғу берилди. 1966 йилдан Интурист Олий мактабларида меҳмонхона бизнеси соҳаси учун ҳам кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди[14. 192 С.].

Совет давлати туризмни ривожлантиришдан қуйидаги мақсадларни кўзлаган эди.

Социализм қуриш ғояларини тарғиб қилиш, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ютуқларни тарғиб қилиш, маданий соҳадаги ислохатлар мазмуни ҳамда динсизлик ва социалистик жамиятда динга эҳтиёж йўқлигини, мудофаа соҳасидаги ютуқлар намойиш қилинган.

1983 йилда хориждан келган сайёҳлар совет халқи тўғрисида фикрлари сўралганда 55,2 фоизи ижобий баҳо берган. Хорижликларни энг кўп қизиқтирган омил Совет давлатининг дунё тинчлигига қўшиши мумкин бўлган ҳиссаси тўғрисида баҳслар мунтазам бўлиб турганлиги қайд этилган. 1985 йилда АҚШга юборилган туристик гуруҳ иштирокчиларига америкалик ёшлар жуда кўплаб саволлар билан мурожаат қилди. Бу саволлар ўз навбатида АҚШ нинг Совет Иттифоқи тўғрисида шакллантирилган ахборот натижаси бўлиб, “Совет иттифоқи йўллари асфальт қилинганми?”, “Телефон автомати борми?”, “Сизларда уйланиш учун партия комитетидан рухсат олинадими?”, “Сизларда бола икки ёшга етиши билан давлат тортиб оладими?” каби оғир саволлар билан мурожаат қилган[8. 38 Б.].

Зангиота зиёратгоҳи атеизм музейига айлантирилиши натижасида бу ерга иттифоқ бўйлаб туристик маршрутлар рўйхатида киритилди. Натижада ҳар йили 3-4 минг Латвия, Литва, Эстония, Белорусия ва бошқа иттифокдош республикалардан сайёҳлар ташриф буюрган[16.5 Б.]. Янгича урф-одатлар, анъана ва маросимларнинг совет кишилари турмушига тобора кўпроқ кириб келиши улар ҳаётидаги диний маросимларнинг тезроқ йўқолишига хизмат қилган[16.11 Б.]. Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида “муқаддас жой” деб аталган мазор, ғор, булоқ, кадамжо, чинор, харсангтошлар мавжуд. Халқ ишончига кирган айрим “диндорлар” оддий мазор, булоқ, тоғли масканларни Аюб ва Сулаймон пайғамбар ҳамда халифа Али номи билан боғлаш анъанага айланган. Совет ёшлар айна вақтда Самарқанддаги Шоҳи Зинда, Ғўри амир, Бухородаги Сомонийлар мақбараси, Чашмаи Аюб, Хивадаги Саид Аловуддин, Пахлавон Маҳмуд мақбараларига қирар эканлар у ердаги шахслар билан эмас аксинча гўзал меъморий обидалар қизиқтирган[16.12 Б.].

Бандикушод ота зиёратгоҳини илмий жиҳатдан ўрганиш мақсадида илмий экспедиция 1986 йилда ўтказилган. Зиёратчилар шам ёқиб, бу ердаги дарахтларга ип боғлаш орқали ўз орзуларини рўёбга чиқишда Бандикушод отадан мадад сўраганликлари қайд этилган. Бандикушод ота зиёратгоҳи Совет даврида 1964 йилдан зиёратчилар оқими ошган[16.13 Б.]. Бундай жойлардан шифо талаб қилиш ёки “қароматлар”га ишониш керак эмаслик зарурлиги тушунтирилган[16.76 Б.]. Муқаддас жойларга сиғиниш, назр-ниёз қилиш, қурбонлик келтириш каби иллатлар авлиёларни эъзозлаш ва сиғиниш билан боғлиқ одат сифатида совет даврида коммунистик ғоя доирасида йўқотиш ишлари олиб борилган[17.].

Дин тўғрисида Совет қонунлари бўйича дин таълимдан ажратилган. Бутунроссия Марказий Ижроя Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг 1929 йил 8 апрелдаги “Диний уюшмалар ҳақида” қарори (бунга 1975 йил 23 июнь қарори билан ўзгартириш киритилган. Дин билан боғлиқ барча қонунчилик айна шу қарор доирасида шакллантирилган[18. 1 Б.].

Диндорлар кўпроқ “азиз авлиёлар” куч қудрати ҳақидаги ҳикоялар қизиқтиради. “Муқаддас” ҳисобланган ҳар бир қабр, мақбара ҳақида ҳикоялар мавжуд. “Зиёратчи”лар учун энг муҳими дардига даво топиш бўлса, назоратчи рухонийлар эса “муқаддас” жойлар номидан фойдаланиб турли эҳсон ва қурбонликлар талаб қилишган[19.13 Б.]. Андижон области Избоскан районида жойлашган “Хўжа Уббон” зиёратгоҳини етти марта зиёрат қилиш билан Маккани зиёрат қилишга тенглаштирилган. Бу ерда турли касалликлар билан оғриган беморлар ҳатто ойлаб шу ерда қолиб “даволанишган”[19.9 Б.]. Ўрта Осиёга келган сайёҳларни асосан қадимий меъморий ёдгорликлар билан бир қаторда қисман сақланиб қолган маҳаллий аҳолини урф-одатларини кўрсатилган. Пролетар туризмнинг асосий вазифаларидан бири диний масканлар ҳисобланган масжид, мадраса ва мақбараларда маҳаллий аҳолини зиёрат қилишларини олдини олган ҳолда диндор муллаларга қарши кескин тарғибот ишларини олиб бориш ҳам кирган[4.10 Б.].

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, туризм энг аввало социалистик тузум ва коммунистик мафкура тарғибот куралига айлантирилган. Шунинг учун ҳам хориж мамлакатларга саёхат қилган совет сайёҳлари эркинлик эмас босим остида бўлганлиги ҳамда сиёсий полиция назоратида бўлганлиги қайд этилган.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:

1. https://kazved.ru/news/travel_and_tourism/07-04-2016/vnutrenniy-turizm-v-sssr-i-rossii-god-1985-y-protiv-2016-go-4750976
2. Н. Якуш “История и география туризма в Беларуси Методические указания к изучению одноименного курса для студентов специальности 1-89 02 02” Туризм и природопользование Минск 2011 г.
3. Г.Долженко “История туризма в дореволюционной России и СССР”- Издательство Ростовского университета, 1988 г. 192 с.
4. G.Vasiljef. Ръолетар тыризми усун О’рта Асия боюнча сақлам екскыријә усун. - Т.: О’з. дөвлет нәшрјат, 1932. – В. 4, 7,10 .
5. https://www.permgaspi.ru/publikatsii/stati/za-granitsu-iz-istorii_zarubezhn-ogo-turizma-v-sssr.html
6. А.Ражабов “Муқаддас даргох” “Наманган ҳақиқати” газетаси: 1976 й., 15 сентябрь, № 185 (10985)
7. Ферганский областной Совет Общесва охраны помятников истории и культуры Узбекистана (Материалы наглядной агитации) 1987 г. С. 7, 9, 10, 11, 12, 13, 15,19, 23,24,25,29.
8. Ў.Рустамов “Чет эллиқлар Ўзбекистон ҳақида” Т.: “Ўзбекистон”, 1972 й. (716.) 14, 16, 38, 39, 44,45, 51, 54 Б.
9. Г.Папирян “Международные экономические отношения”, Экономика туризма. М.: Финансы и статистика, 2000 г.
10. http://www.regsamarh.ru/info_act/publication/28.11.2014/sogaspi/1/19735/
11. <http://kaknado.info/home/>
12. Ю.Путрик Историческая преемственность традиций в отечественном Туризме политика и общества 2012 г. 6(90) 91-98 с
13. Краткий конспект лекций по курсу “История и организация туризма” М.: 2014 г.
14. Г.Долженко История туризма в дореволюционной России и СССР.-Издательство Ростовского университета, 1988 г. 192 с.
15. З.Мўминова “Фестиваль ёди” “Саодат” журналы 1985 й., ноябрь, 11 сон, 15 Б.
16. Т.Саксонов “Муқаддас” жойлар хурофот ва биъат ўчоғи”, Т.: ЎзССР “Медицина” 1986 й., 5,11,12,13, 76 Б.
17. М.Бойматов “Тарбиянинг муҳим соҳаси” Боғдод туман ижро Комитетининг Авангард газетаси: 1979 й.,13 апрель, № 44 (4743)
18. И.Жабборов “Қадамжо, урф-одат, анъана” “Фан ва турмуш” журналы, 1972 й., июнь, № 1, 16,17 Б.
19. А.Асқаров, А.Мухаммаджонов “Бандикушод ота сирлари” Т.: Ўзбекистон ССР “Фан”, 1986 й., 9, 13 Б.
20. “Атеистик энциклопедик лугат” “Ўзбекистон Совет энциклопедияси Бош редакцияси” Т.: 1988 й., 19, 265 Б.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИДА ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН ЮТУҚЛАР

Турсунов Анвар Сайпуллаевич,
Термиз давлат университети Жаҳон тарихи
кафедраси ўқитувчиси, Тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори (*PhD*)

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон жанубидаги шаҳарларнинг ривожланиши, шаҳар аҳолисининг ўсиш динамикаси ва унинг ўзига хос жихатларини аниқлаш, шунингдек, шаҳарларнинг ижтимоий - иқтисодий ва маданий ҳаётини тарихшунослик контекстида ўрганиш Жанубий ҳудудларнинг шаҳарсозлик маданиятидаги анъанавийлик ва трансформацион хусусиятларни уйғунлашувини ҳамда ушбу жараённинг умумий ва локал хусусиятларини